


ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ АМАЛИ
ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ



„1-ОҲАНГАРОН“
СОВХОЗИНИНГ
ҒАЛЛАЗОРИДА

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ
ПАРТИЯ—ДАВЛАТ КОНТРОЛИ
КОМИТЕТИДА



Областимиз даладарига ғалла ўрим-йигими бошла-
ниб кетди. Партия-давлат контроли комитетининг хо-
димлари олтин бошоқларнинг бир граммиди ҳам
нобуд қилмай давлат омборларига топшириш учун ку-
рашиб, ҳар бир ишга кўз-қулоқ бўлиб туришибди.
Бугун бу саҳифада ана шу жонқуяр халқ посбонла-
рининг дастлабки ишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ЯНГИ ЙЎЛДА ҒАЛЛАНИ КИМ УРАДИ

Янги йўлнинг қир ва адрларини
қўздан кечирамиз. Минг-минглаб
гектар ерни ғалла пайкаллари
эгаллаб ётибди.

Хўа ана, тепалингдаги ғаллазор-
да бир нуруйи кексани кўриб қол-
дик. Ёши етмишдан ошиб кетган.
Унинг юз иссиқ кўёш тапти би-
лан қорайган.

— Мен, эртадан бери ғаллазор-
ни айланиб юрибман. — деди у
биз билан сурашар экан. — Биз-
ники ҳам, қўшни колхозникидан
қолганимиз. Мана, бошоқларини
қаранг-а. Ҳар бирда 50—55 та-
дан дон бор. Ҳар бир бошоқдаги
доннинг бўлиқлигини айтмайсан-
ми? Салмоқли, 5—7 граммданга
тўри келади. Шунча яшаб қир
ерларда бундай кўп ғалла бў-
ланганини ҳеч эслай олмабман.

Дала айланамиз. Кекса деҳқон
ҳақ. Ҳамма ерда ғалла кўп бўлиб-
ди. Уи беш минг гектар ерни
эгаллаган ғалла донини кўз-қў-
бўлиб қайтади. Деҳқонлар мўл
ғалла етиштириш йўлида қишлоқ-
нинг тинимли меҳнат қилишди.

Ерга ташланган ҳар бир дон до-
ни устидан кўз-қулоқ бўлиб туришди.
Дон етиштиришда маданий ўғит-
дан фойдаланишди. Табиат ҳам
саҳийлик қилди. Ғаллазорнинг
мақсадига еришгиш йўлида бор
нарсани алмади. Кўш ҳарорати
чаққи бўлмади. Сериғинарилик
кең водийи яшатиб юборди.

Ҳа. Янги йўлда мўл ғалла ҳосил
етиштирилади. Ғаллазорлар Ва-
тан омборига қанда 366 минг
пуд дон тўкишга қатъий бел бо-
лашган. Мажбуриятга яраша да-
лада ҳосил бор. Қалинин номли,
Свердлов номли ва бошқа ҳўжа-
ликларнинг раҳбарлари ўрим-йи-
гимга барвақт тайёргарлик кўриб,
яхини иш қилишди. Ўрим бекам-
иқс бешлаиб кетди. Деҳқонлар
мавжуд техникадан самарали фой-
даланиб, ўрим-йигимни ушшоқ-
лик билан ўтказяптилар.

Биз кўп ҳўжаликларда бўлдик.
Устахоналардаги қилинаётган иш-

— Унчага ўримга киришмай-
сизларми?

— Билмадим, ўзим ҳам хай-
ронман.

Шундай ишни қўшни билди-
ган, деҳқончилик агрономияси-
нинг миридан сиринчага ўрганиб
олган, ташкилотчи раиснинг оғзи-
дан чиққан бу сўзларга қандай
баҳо бериш керак? Ёки бу муҳим
иш, раиснинг ёдидан кўтарилиб
қолганими? Йўқ. Ундай ҳам
эмас. У ғалла ўримида ҳар бир
кўш ғайиматлигини яхши билади.
Хатто район раҳбарлари бу ҳақда
уни бир неча бор оғоҳлантириб
қўйишган ҳам эдилар. Жуذا ҳам

нимиз рост. Аммо уни ўриб олиш
учун колхознида техника йўқ.
Агар биров комбайни билан ком-
байнерини юбориб, ғалламизни
ўриб, янчиб берса, антиқа бўлар-
дида. — деб, парвойи-палак юриб-
тилар.

Ҳа, Янги йўлда олма пиш-
ог-ма туши, деб юривчи колхоз
раислари анчагина топилади.
Улар ўрмига тайёргарлик кўришга
барвақт киришмасдан, иш эки-
либ қолган шу кўшларда турли
хилдаги бўлмағур, очиги раҳбар-
ликка ярашмайдиган баҳоналарни
рўқач қилишиб юртилар.

«Усельхозтехника» бирлашма-
си район бўлимининг мудири Ўр-
тоқ Мешковнинг бегамлигини айт-
майсанми. Қачон қараманг, кол-
хозларга ёрдам беришимиз керак,
афсуски, шунинг ундай олма-
миз деб топилади. Ўхтиёт қисмлар-
нинг етишимаслиги ҳақида қан-
дан-қанча баҳоналарни олдинга
тахлаб ташлайди. Янги комбайн-
ларни еинаб қўриш, обхаткадан
ўтказиш масаласи ҳақида сўз
юртсангиз, унга ҳали қўлимиз
текинми йўқ деб жавоб қилади.

Партия-давлат контроли ко-
митетиға қўмаклашувчи группанинг
аъзолари «Усельхозтехника»

бирлашмаси район бўлимининг у-
стахонаси ва омборларини текшир-
ганда мудирининг «до-фаред»ла-
ри мутлақо ўринсиз эканлигини
аниқлади. Жуذا кўп эҳтиёт
қисмлар бор экан. Хатто ишдан
чиққан комбайнлардаги бир қат-
тор запас қисмларни олиб, эски
комбайнларни ремонтдан тўла
чиқариш мумкин экан. Агар
ўртоқ Мешков байратла ва таш-
килотчи бўлганда эди юлдуз-
ча, шестерна ва бошқа эҳтиёт
қисмларнинг шу ердаги тақинил-
ларда масален, САИМИ ва бо-
шқа ташкилотларнинг устахонала-
рида аллақачон тайёргарлик мумкин

эди. Бўлимининг бош инженири Ўр-
тоқ Н. О. Макаров устахонадаги
ремонт ишларини жадаллашти-
ришга муносиб ҳиссанин қўшма-
япти. Бу ерда комбайнларни тез
ва сифатли ремонт қилиш учун
ҳамма шартнош яратиб берилмаган.
Колхозлардаги комбайнларни ре-
монт ишига жалб қилиш ҳақида
ҳам анчадан бери гап бўляпти.

Амалда бу соҳада ҳалигача кўзга
қўринарли иш қилинган йўқ.
Янги йўлда ғалла ўрим-йигими
ни қисқа вақтда ўтказиш иши
хаф остида. Кўп ҳўжаликларда
иш ишана шундан далолат бериб
турибди. Мавжуд комбайнларнинг
куватини ҳисоблаб кўрдик. Ҳар
бир комбайнга ўртача мавсумда
400 гектар ерни ўришга тўри ке-
лади. Бу эса ўрим-йигимни 40
кунгача давом эттириш деган сўз-
дир.

Хисоб-китоблар ана шундай.
Янги йўлларнинг ўрим-йигими
бундай узоққа қўзиб юборишлари-
га ҳеч ҳақлари йўқ. Улар йўл
қўйган ҳаётларини қисқа муддат
ичида тузатишлари лозим. Ком-
байнларни тезда ремонтдан чиқ-
ариш учун барча кўч ва резерв-
ларни ишга солишлари керак.
Ҳар бир техникани бошқара бил-
диган кадр бўлсин. Агрегатлар-
нинг тўла қувват билан, ҳеч бўл-
маганда 1,5 сменада, ишлашлари-
ни йўлга қўйиш зарур. Ана шун-
данга ҳосил несе-нобуд бўлмайди.
Тезроқ йиғиштирилиб олинади.
Хозирги энг муҳим ва масъулият-
ли вазифа ана шу.

Ғ. ҲУСАНОВ,
Тошкент область қишлоқ
партия-давлат контроли ко-
митетининг инспектори.
М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
муҳбири.



Шу кунларда партия-давлат контроли
қўмаклашувчи группанинг раиси Я.
аъзоларининг асосий вазифаси
жўла ғаллазорда. Улар
ҳар бир грамм ҳосил-
ни исроф қилмаслик
учун ҳаракат қилишя-
пти. Бу соҳада маъму-
риятта яқиндан ёрдам
беришиб турибди. Су-
ратда: (Пастда, чапдан)
Бекобод ишлаб чиқа-
риш бошқармасидаги
«Чаноқ» совхози пар-
тия-давлат контроли
группасининг аъзола-
ридан Р. Алимуқов,
Ш. Сандабеев, С. Жў-
раев, (Ўртада, чап-
дан) Калинин бошқар-
масидаги «Коммунизм»
колхозининг комбайн-
чиси Г. Губайдуллин,
А. Абалин, В. Салов
фотолари.

давлат контроли ко-
митетиға қўмаклашув-
чи группанинг раиси Я.
Пирматов, партия таш-
килотининг секретари
Н. Боймухамедов, бош
агроном Ш. Қосимов
ўртоқлар ғалланинг
қандай ишганини
аниқламоқдалар.

фотолари.

Мешковнинг ўринсиз
баҳоналари

Ишни орқага сураётган раислар
Бу аҳволда бугдойни қачон
ўриб оласиз?

Конкрет режалар йўқ

ларни қўздан кечирдик. Аммо
ҳамма ерда ҳам иш бир хилда-
дек эмас. Бир қатор ҳўжаликлар-
нинг раҳбарлари ғаллани биз
етиштирдик, ҳосилнинг бошқалар
ўриб олишар деган кайфиятда
юришяпти. Шу сабабдан комбайн-
ларни тайёргарлик масаласига жид-
дий аҳамият беришмайпти. Ғалла
ўрим-йигими бошланганига қара-
май бошқарма ҳўжаликларда 44
комбайннинг ярим ҳам ремонтдан
чиқарилгани йўқ. Бир қатор кол-
хозларга янги комбайнлар берил-
ди. Аммо буларни ҳам обхатка
қилиш, иш бошига келтиришга
ҳам ҳалигача киришмаган.

«Ишдан Охтиёт» колхозининг
раиси ўртоқ Юра Очлов ўтган
йилга нисбатан бу йил уч бара-
вар кўп ғалла экинганлигини қў-
вонч билан айтди. 645 гектар
ғаллани биргина «С—6» маркали
комбайнда ўриш планлаштирилган
— Комбайн ремонт қилинган-
ми? —биз ундан сурадик. Раис
аввал жим қолди, кейин бепарво-
лик билан деди:

— «Сельхозтехника»нинг рай-
он бўлимидагилар 20 нойтача ре-
монт қилиб берамиз, дейишган
эди.

афсуски, раис муҳим вазифага
ўта кетган ҳафсаласизлик билан
қараган. Вақтда бериб бажарма-
ган. Бегамлик шу даражагача
бориб етибдики, ўтган йили ғал-
ла ўриб берган ўша комбайн ўрим-
дан кейин Аччиқўл масисинда
қолиб кетаверган. Занг босиб,
машинанинг айрим эҳтиёт қисмла-
ри эса талон-тароғ бўлиб кет-
ган. Мапа, ҳўснасизлик. Бир неча
минг сўмага олинган техникага
бўлган муносабат.

Фрунзе номли колхоз раҳбарла-
рининг ҳам ғалла ўрим-йигими
жуذا енгилтақлик билан қараёт-
ганликлари кўнидаги фактлар-
дан кўриш мумкин. Колхоз-
ининг сувлик ерда 35 гектар, ба-
ҳўриқорлида 560 гектар ғалласи
бор. Колхоз 2 та эски, битта ян-
гича комбайнга эга. Бироқ, шунга
қарамай, эскиларини ремонт қи-
лиш, янгиларини обхатка қилиб,
ўрмига шайлаб қўйиш билан ҳеч
ким бош қотирмапти.

Навоий номли колхозининг раи-
си ўртоқ Сулаймов Исроиловнинг
бепарволиги кишини ниҳоятда аф-
суслантиради.

У киши:
— 250 гектар ерга ғалла эка-



Ходимларимизнинг бутун эъти-
бори ҳосил нобуд қилмай иш-
га қўйишга қаратилган. Совхоздаги партия-давлат кон-
тролиға қўмаклашувчи группани-
нинг навбатдаги йиғилишида у
кишидан иборат жанозавар ишоб
тузилди. Меч, агроном Константин
Иванович Жирба, меҳнатчи
Михаил Григорьевич Лупарев-
лардан иборат бўлган бу ишоб
аъзолари совхознинг бўлимлари-
даги қўмаклашувч группаси ва

пост аъзоларининг иши устидан
назорат қилибдилар. Ҳар бир
аъзонинг ташаббус билан иш-
лашларига ақидон ёрдам бери-
миз.

Совхозимизнинг Қўйишев но-
ли бўлими эки қўл ғалла етиш-
тиради. Салкам эки минг гек-
тар ерда қаласи бор. Бўлимада
6 та комбайн ишлатилипти. Ўри-
дан ғаллани жуза қўл машина
ташиб турипти. Групп аъзолари
ҳар бир сектор ердаги ғаллани
тоза ва сифатли ўриб олишга
эътибор қилишяпти. Ҳар бир

омборхона ва комбайн ўриди-
ган ерларда пост аъзолари қў-
йилган. Улар комбайнларнинг
унумли ишлашини кузатиб тури-
шибди.

Тўғри, анави кўни 2 та ком-
байн ўртаб қолди. Қўмаклашув-
чи группаси аъзолари дарҳол бу
ҳақда маъмуриятга ҳабор қи-
лишди. Натيجида комбайнлар
жуذا тез ремонт қилиниб, ишга
тушириб юборилди. Бу ишда бо-
лимадаги группанинг раиси Ғ.

тоқ Василий Халловнинг хизмати
катта бўлди. Групп аъзолари
Абдулло Иброҳимов, Абдулқодир
Зулфиров ўртоқларда ҳам ти-
ним йўқ. Улар ҳар бир комбайн-
нинг кўпроқ ғалла ўриб янчи-
лишга муносиб ҳиссаларини қў-
шяптилар.

Серио ва бошқа бўлимлардаги
групп аъзолари ҳам халқ ишчи-
лиши оқаш учун ҳаракат қили-
шяпти.

Совхозимиз коллективни рес-
публикамиз тўйини муносиб

меҳнат ғалабаси билан ишчи-
ларга аҳд қилишди. Тўйини,
тўйинларимиздан бири бизнинг
мўл ғалламиз бўлди. Берилган
планга муносиб 36 минг пуд
ғалла етиштиришимиз керак.
Агар биз даладаги ҳосилнинг
ҳаммасини нобуд қилмай, давлат
омборларига топширишни таъ-
минлай олсак, ҳосилимиз белги-
ланганидан ҳам анча кўп бўлади.
Қанда 100 минг пуд дон топ-
ширамиз.

Мажбуриятимиз юксак. Агар
ҳар бир партия, ҳўжалик ходи-
ми, қолаверса, аҳдалий ишчилар
ҳам савдоқат билан меҳнат қи-
лишса — вақтда албатта бажари-
лади. Эларқот олдида юзимиз
ёруғ бўлади.

Е. А. ЕФИМОВ,
«Тошкент» насронилик сов-
хозиндаги партия-давлат
контроли комитетига қў-
маклашувчи группанинг
раиси.

АҲДИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

Ҳа, аҳди борнинг бахти бор! Юксак маррага етиб олиш учун аҳду-паймон қилган ва аҳдининг устидан қишқир иштиёқида фидо-орона меҳнат қилган инши албатта ўз мудоасига етади, бахти бўлади. Юрчи Чирчиқдаги Свердлов номидаги колхознинг бригадари Александр Ни ҳам бахтини меҳнатдан топди. У бундан уч-тўрт йил муқаддам «машинистларнинг юрчи» ҳисли этиштириб, Любовь Лидан ўзиб кетаман» деб аҳд қилган эди. Ўзи ва у бошчилиги қилган бригада аъзолари нўлини-қўлга бериб, бир энадан бош қилган астойдил меҳнат қилдилар. Ҳар тўп маинишхонага ўз меҳрларини сингдирдилар. Мавсумнинг пи-ровардига бориб бир маинишхона бериб, бундан қилиб асти икки-ерасиз. Шундай қилиб ўша йили ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 230 центнердан силосбон кўпоси ҳосили олинди. Александр Ни бошчилик бригада аъзолари этишти-тирган бўлиб маинишхонанинг мамунаси Мисеяга олиб кетилди. Бутуниттёқ халқ хўжалиги ютуқлари виставасининг Ўзбекистон павильонига кўйилиб, ҳам-мага нўз-кўз қилинди.

Энди Александр Ни бригадасининг деҳқонлари пахта этишти-

ришляпти. Бу йил 100 гектар май-донга сифатли қилиб чиғит экил-ди.

— Пахтакорлар республикаси-да деҳқончилик қилганидан ке-ейин, пахта этиштиригиларга ҳавасинг нелар экан,— дейди Алек-сандра Ни,— мана биз ҳам бу йил-дан бошлаб «оқ олтин» этишти-ришга аҳдлашдик. Ҳозир гўзал-рининг авни чини эмас. Олди экилган пайвалларда гўзаларни бир текис шиклатиб олди. Пах-танорларимиз республика ва Ўз-бекистон Компартиясининг 40 йил-лиги натига тўй қилинадиган бу йилда гектар бошига пландаги 31 центнер ўрнига салкам 36 цент-нердан пахта этиштирмоқчи. Ҳа-лайимизи, биз албатта аҳдимизга эришамиз.

Ҳа, аҳди қатъию, гайрати зўр деҳқон сузсиз баракали хирмон кўтарди. Ҳозир пахтазорларда мон кўндириб меҳнат қилатган бу бригада аъзолари ҳам албатта мўл ҳосил этиштиришга эриша-дилар. Ахир галаба қозонадиган зафар анча олдиндан маълум бў-ладиди. Мана, бригадада ҳозирда-ноқ мўл зафарларнинг дарағи-ни бевучи дастлабми галабалар кўлга киритилляпти. Шу кунга ҳа-гўза қатор оралари уч марта ҳам

узунасига, ҳам кўндалангига нул-тивация қилинди, қондириб суго-рилди. Деҳқонлар гўзани эрта озиклантиришга жиддий эътибор беришляпти. Гектар бошига 400—450 килограммдан минерал ўғит солиниб, усимлики оби-тобда озик-лантирилади.

Бригадада иккинчи комплекс ме-ханизациялашган тўпачи, звено бер. Уларнинг бирига мохир трай-торчилардан Алдан Жентебев,

бирига Николай Сергеев ўртоқлар бошчилиги қилишляпти. Иккаласи ҳам гўза қатор ораларига ўла-ри ишлов беришляпти.

Яқин кунлар ичиде юз гектар майдондаги гўзанинг ҳаммаси бир текис шикалайди. Кейин пахта-корлар шонани гулга, гулни тўқ нўсанга айлантириш, тўқ нўсан-ларда «оқ олтин» этиштиришга кўзгин киришиб кетадилар.

Ш. ШУХРАТОВ.


КОЛХОЗ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллиги тў-йини муносиб тўёна билан кўтиб олишга интилаётган Янгийўлдаги «Ленинград» колхозининг меҳнатчилари бу йилги ил галабани кўлга киритдилар. Хўжаликчилари ил кўртларидан юрчи ҳосил олиб, давлатга 2000 килограмм аъло сифатли пилла сотдилар.

Колхозда пешқадам пиллачилар нўл. 70 ёшли Маматнарим ота Шерназаров некса бўлишга қарамасдан 4 кўти ил кўрти олиб боқди. Ишнинг кўзини қилиб ил юртганлиги тўғрисида ил кўрт-лари ҳеч қандай касалликларга қалинмасдан, соғлом ўсиб, барвақт пилла ўра бошладилар. Шундай қилиб Маматнарим ота ҳар бир кўти ил кўртдан 105 килограммдан аъло сифатли пилла олиб, кол-хознинг баракали хирмонига 420 килограммлик ҳосили билан натта ҳисса қўшди.

Пешқадам пиллачилардан Иброҳим ота Сиддиқов, Боқи Қосимов, Шарофат Ошқорова ўртоқлар ҳам ҳар кўти ил кўртдан юз кило-граммдан охири хирмон кўртиришга муваффақ бўлдилар.

Т. ИМОВОВ.



Бу йил Калинин йиллаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXI съез-ди» совхози далаларида бодринг барвақт пишди. Полиетилен плен-налар остида ўстирилган бодринглар очки далада ўстирилган бод-рингларга қараганда бир ой олдин пишиб етилди. Ҳозир совхоз деҳ-қонлари совхоз меҳнатчиларига кўпайиб бодринг мўлатиқдалар. Су-ратда: совхознинг миришор сабаботчиси Қодир ота Абдуллаев поли-етилен плена остида пишиб етилган бодрингларни кўздан к-чирмоқда.

Х. Хайитмухамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОЧЕРК

ТОШМОҚДА ЧИҚАЙДАН ОЛТИНЛАР

Тиккан келган қуёш ўша ер-дуси билан қондоғи эла ёлдини пурнатида ўрта бўйли, кенг ғиринли, тўлқан келган, чамаси эллик ёшлардан ошган киши бир тегирмон музек эл-до сув оқибатин анқор лабига аниқлаш, юз-қўлларини ювди. Кейин белдан қийинини ечиб артинди-да, роҳатланиб тин на-фас олди. У аввал дала шийпо-нига йўл олмоқчи эди. Кейин нима учундир бу фикрдан қайтди. Эҳтимол рўбарўдаги кенг пайкалларда кулф уриб ўсаётган гўза ниҳоллари унинг эътиборини ўзига жалб қилиб қўйгандир, ё бўлмаса шу гў-залларга юрак ҳароратини ҳис-заблар паравиш қилаётган хўш-анивасалчилар агрегатларининг хайқирдилари ҳақлини ўғирлаб кетгандир.

Ҳа, даровек Миср ака ший-понида нима ҳам қилиш, унинг мақсади бўлак-ку. «Йўра ака-лар бригадаси» яна уч гектар тошмоқ ер ўзлаштиришганимиз шу майдонларда ҳам гўзаллар барвақти, қора тўпурқдан ба-қуват ерларнинг гўзасидан қилишмасини, йўра ака омил-кор деҳқон, яна ўз айтганининг улдасидан чиққан эмиш. Миср ака мана шу гапларни эшитган, бунга ишонқирамай «яна, ўз кўзим билан бир кўрайчи, шун-чаки миш-мишмининг, ё чиндан ҳам бор гапми, шунин билди-чи» деб бу томонларга йўл олган эди.

У карта четиданги ёлғизоёқ йўлдан илгари қараб бора-кан, қўллари янги очилган тошмоқ ерларни изларди. Нима қилсин, универсалчи Мелижон-ни бир лақнага тўхтатиб ундан сўрасаминки? «Миср ака, ил кўч илгари бизнинг бригадаси иш-и билан қилишмасини, э-нди бўлса бу томонга қадим ранжиде қилиб қилибиз деб таъна қилмасиники». Мана шу фикрлар Миср акани бироз ик-килантириб қўйди. Кейин ўзига-ўз дала берди: «Яхши инат билан келдим. Ҳаразгўйлик йўқ. Яхши томони бўлса ўра-най, намчилик бўлса мўлдан келганча маслаҳат берай, деб келдим».

Шу пайт Мелижоннинг ўзи ҳам етиб келдию, «пўлат оти-нинг жиловини тортиди. Миср ака билан ота-боладай ҳол-аҳ-вол сўрасди».

— Келинг, Миср ака, — де-ди у, — бир эиврат қилай, дебсиз-да. Кўп вақтлар ўтиб кетди. Мана ўзингиз кўриб ту-рибсиз. Илгари йилларга қа-равганда озми-кўпми ўзгариб бор. Тўғрисида кўчидан ҳамма нарса инсонга боғлиқ экан. Ви-рор жойини обод қиламан, деб

қасд қилса, қўлининг кучи бе-линиб қувватини аямаси мақсади-да, ота берай экан. Ўзингиз-дан қолар гап йўқ. Ил кўч тўли-қу деганларни хўш қиқматли гап экан-да,— Мелижон шу гаплар-ни айтдию, бир лақна меҳмон-га тикилиб қолди. Нега? Чунки Ҳозирги гаплар Миср аканинг нигонини ўз-ўз-ўзларига тортиб кетган эди. Мелижон ҳам бе-хитир ўша томонга тикилиб қолди.

Кафтерек текис шу улкан қар-талийн отагиде ямшиш дарахт-лар сарин еллар экиниде та-ғаниб кўзга ташланарди. Бу-дан тўрт йил илгари тошдан-шагалдан бўлак ҳеч нарса бе-тамаган ўша ерларда энди мевади дарахтлар ҳосилини кўтарол-май шохларини қуйи эканди. Шу бег енобшда, мажнунот-лар сонсиде ҳаммамли дала шийпони кўзга ташланарди.

— Икромар, ўзганимиз нат-та, — деди лиҳоят Миср ака, — шу вақтдан атай келдим, ил-гари очилган тошмоқ ерлардан олинатиётган ҳосил энди мамага маълум. Бу илгисининг гўза-сини бир кўрсам дегандим.

Тунди оқват вақти ҳам э-танди. Ҳозир Мелижоннинг ага-ни бор. Бундоқ айлантдириб Миср акага пайкалларни кўр-сатса бўлади.

— Қани, кетдик бўлмаса,— Мелижон меҳмони бошладилар, — ўш ҳам омулча меҳнат сарф-лашди. Ерин ер қилиш ҳақи гап, дейсизми. Чўқур ҳайалдик, тош тердик, захрини қочирдик, озиб бердик. Кўйинчи, нафиз ер нафли ер бўлади-да.

Шундай сўхбат билан улар қўзланган картага етиб келиш-ганинги ҳам пайкамай қолши-ди. Кўчат бир текис, ил та-йилгандай ниҳоллар! Кеча ту-нда таралган суя гўзаларнинг томир-томирига сингиб кетибди, чамаси. Нам пуштага тегиб, ўсимликларни кулф урдириб юборибди. Беш-олтидан чин-барг чиқарган гўзалар яшич денгиздек мавжлашиб, пахтазор-га ақойиб фойа бахш этибди.

— Қалай, маъқулим Миср ака, — синовчан назар ташлаб сўради Мелижон.

— Дуруст, одамларнинг гап-ларича бор экан. Хайрли ҳара-кат зое кетмабди. Ҳўш, мул-жал қанақа. — қизқиб сўради Миср ака.

— Биринчи йил, — катта кетмаймиш. Нигирмаданни мул-жаллаб турибмиш. Кейин қу-ю-су-юғи билан кўнгалдагиде бўлиб кетди.

Мелижоннинг «қ-чоғи-су-юғи билан кўнгалдагиде бўлиб ке-тади», деган сузи Миср ака-нинг ҳақлини шу йил бошладиги воқеаларга беҳитир етказлаб кетди.

Ўтган йилнинг бошида кол-хоз правлениси, бошлангич партия ташкилот «қайси бри-гада гектардан олинатиётган ҳо-силдорлини оширсин», ўша бри-гадага бир «Москвич» енига ма-шинаси муқофот» деб қарор чиқарганди. Бу яхши. Қиш-ларни ҳалоллик билан ишлашга ундайдиган иш.

Кураш қизғин бошлангич ке-ди. Аввало ҳар ким ўз бри-гаси обрўси учун, ал-юртга «кўпроқ «оқ олтин» етказиб бе-риш иштиёқи билан меҳнат қи-ладилар, бунинг устига «Мос-квич» муқофотга олинса, нур устига аъло!

Миср акалар бригадаси ҳам пешқадамликда колхозда донг чиқарган. Ахир йилга 30—35 центнер орасида хирмон кў-тариш ҳақи гап дейсизми? Ори-ятли, билалди кучи, юрғадга ўти бор деҳқонларига ана шу-нақа баракали хирмон кўтар-са олади.

Ўша йили ҳам Миср акалар бригадаси қилиб келди. Ўттиз беш центнердан. Энг юрчи кўрсаткичи шу. Мелижон уни-версалчи бўлган йўра ака бри-гасиде гектардан ўттиз тўрт центнердан хирмон кўтарди. Қиш, «Москвич» ни қайси бри-гадага берай бўларкин? Колхоз правлениси, партия ташкилоти бирмунча бош қотиришди. Ни-ҳоят машина йўра акага, деган қарорга келишди...

Кўпчилик йилганди, қарор ўқиб эшиттирилган. Миср ака-нинг авлози бузуқ. Ахир қандай гап бу? Ваъдага вафо борми-йўқми, бизники бир центнердан-га ортқ бўлсаю, «Москвич» ни йўра ака миниб кетса, йўқ, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Миср ака шуларни кўнгалда тугдию, ўрнанди фоз туриб:

— Ранс, деди у, — цент-нерини ҳисобга олганда биз умидвор эдик. Шу қарорда ан-дак чалқилдик борми, деймак-да, чамаси. — Миср ака бош-дан дўпписини олиб бир-ники қилиб кўнгалда, кейин бошқа сўз айтмасдан жойига етирди.

Йўра ака бўлса ҳеч нарса демасди. Ахир нима ҳам десин. Сўзга чиқиб, биз ундок қилдик, бундоқ қилдик, машина бизни-ки, Мисрининг ҳақи йўқ, десин-ми? Абб бўлади. Кўпчилик ни-мани маъқул кўрса, шу бўлгани яхши.

— Миср ака, — ранс ваа-миш гап бошладилар. — Биласиз-ми, нима? Йўра аканинг ўша ерга бригада бошчилиги бўлиб бораганига тўрт йил бўлди. Дў-ппи олиб бундоқ йўлаб кў-риниб, йўра ака таёвр, қора тўпурқ ҳосилдор ерга бораган йўқ. Тош билан урганда шағал кетмон дамини қайтарандиган, ҳали бирон йил уруғ кўрмаган ерга боради. Хотирлайсизми, дастлаб йили каттадан зовур қазиб, ерининг захрини қочир-ди. Тош-шағални кўртди. Ҳам-ма ишда машинага суяндилар.

Озиқдан қилиб фойдаланди. Ўн саккиз центнердан ҳосил берди. Яна бир нарсата эътибор бе-риш, — ранс Миср аканинг фикрини ўзига жалб этиди. — Йўра акалар бригадаси қазин-ган зовурдан ер ости суви чи-қиб анқор пайдо бўлди. Шу ан-қор сувидан гўзаларингиз баҳ-ра олинти.

— Бизнинг бригадасида гўза-ларни ҳам йўра акалар яратган анқордан суз ичгилар, — на-риги томонда ўтирган бригада бошчилигидан Рўзи Холматов орага гап қотиб қолди.

— Ана қўндингизми, — ра-ис сўзиде давом этди. — Йўра акалар бригадаси ерининг қадри-га етишди. Эъзолашди, ҳосил-дорлини йилдан-йилга ошириб боришди. Тошмоқ ерлардан бе-қиёс «оқ олтин» ундиришди. Қани энди ўзингиз айтингчи. Йўра акалар бригадаси сиздан бир центнердан кам ҳосил бер-са ҳам, қандили уришини, де-майсизми?

Миср ака ҳеч нарса демасди. Ҳозир унинг юрагини қилиб бўлармиди. Балки қизғинчилик учун ўзини тўтиб тургандир, балки раиснинг гаплари унга қаттиқ боттидир, ё бўлмаса «ах, аввалги фикримдан қайт-ди, машина чиндан ҳам йўра аканинг бўлиши керак экан, тан бердим» деб бўлаётгандир. Кўпчилик раиснинг фикрини маъқуллашди. Йўра акани таб-риқлашди. Миср ака бўлса ҳа-мон сукунат.

— Мусобақадом, — деди шунда тоқати тоқ бўлган йўра ака, — бунчалик ҳафа бўлади-ган бўлсангиз, майли, машина сўзга бўлсин. Аммо лекин бир шартим бор. Бир йилча оина-шиб кўрайлик. Еримизни ал-маштирамиз. Сизнинг бригадан-гиз 35 дан олган ўша ерлардан 40 центнердан хирмон кўтар-ганимиз бўлсин. Бизнинг ер-лардан кўп эмас 30 дан ола-қилинг. Биз беш центнердан сизга қўшиб берамиз. Келиш-дикми?

Миср ака илтифат орасида оғиз жуфтлашмай қолди. — Бу ер икки гектарлик карта, — шу пайт Мелижон томондан айтилган бу гап Миср аканинг ҳалиги ҳаёлларини тарқатиб юборди. — Яна бир гектарлик хўш боғнинг отагиде, дозим топсангиз бориб кўрамиз. Йўқса, қани, шийпонга бора-йлик. Халлазамон йўра ака ҳам келиб қолар. Бир пилла-дан кўч чой ичайлик.

Авал Миср ака бироз ўйна-ди. Кейин: «кўнгалда кўриб юрган йўра ака, нима-ондан ҳиқолат бўламан. Бир ишларингиз билан танишиб ке-тай деб келган эдим деймак-да», — деб кўнгалга тугдию, бошланг бўлмаса ишорасини қилди.

Шийпон яқинига келганда ўзқондан кўрингандан ҳам фойдали эди. Янгинида муздек суя сепилган, дарахтларнинг сояси тўшмайдиган тарафда сада райхонларнинг бўйларини анқиб турибди. Понемикдан эши-қилатган ҳофиз ялласи дилга ором бағишларди. Кумуш тонг-

дан жағираша шу паллагача эгитлар орадаб ҳар тўл тузани она меҳри билан ардоқлаган кишилар мана энди шу ерда ором олиб, ҳордиқ чиқаради. Нақадар яхши, нақадар соф!

Мелижоннинг фикри тўғри бўлиб қиди. Йўра ака кун бўйи картама-карта кезиб, ҳо-зиргина шийпонга етиб келган экан. У мусобақадомчи Миср акани очик чекра билан кўтиб олди, тўғра таллиф қилди. Ҳо-л-аҳвол сўрашгандан кейин ош пазага аччиқ чой бурюди.

— Келинг Мисржон, қалай, гўзаларингиз раивожи чакки эмасми? — сўради у.

— Чакки эмас. Хурсанд бў-дим. Аввалги шахиддан қайт-дим. Бизнинг азаматларимиз ҳам гайрат қилишляпти. Энди йўра ака билан беллашганимиз беллашган, дейишляпти. Икки бор парвардиладик. Бу-гун сувчиларимиз қулқолларга чим бошляпти. Оқшом суз та-раймиз.

— Бу йил ҳам мўлжал ўттиз бешданми? — йўра ака атай сўради.

— Йўқ, қирқдан, йўра ака, дўппини олиб қўйиб обдон йи-ладик. Ҳамма гапингиз маъқул. Еримиз бақувват ер. Меҳнат-мизни аямасан, сувидан, олин-дан ботибар бўлиб турсан, сиз айтканча ҳосил кўтаришимизга ақлимиз бовар қилиб қолди. Энди асхи йилларни унутай-лик. Бирин-биримизга устоз, би-рин-биримизга шогирд бўлиб, Ўзбекистонимизнинг йўлгига му-носиб тўёна билан келайлик.

Раҳмат, гап деган мана бундоқ бўпти, — қайфи чоғ бўлган йўра ака унга бир пил-ла чой тутди.

— Оқшом. Нақадар сузлов бу пахтазор оқшоми. Миср ака ўз бригадаси ерларига келганида қадардон даладага янада меҳри товланиб кетди. Эгитларди, қилибди суз равои оқарди. Кун бўйи оқтоб тафтида қар-силанган чанқоқ гўзалар ту-нинг муздек сувини бамисола шимирларди. Осмон гўмбазиде қарғилардан юлдузлар чамани эгитлардаги шу сузларга гўе-тағта кумуш бўлиб тўкиларди. Миср ака хушнуд бўлиб кетди. Узоқларга мағрур тикилди. Ҳар-ҳар ердан сувчилар фонари-нинг нур илқинибди сувчилар-нинг туғи емендагиде сувчилар-нинг ўз постлариде сергак тур-ганликлари сезиларди. Ана шунда Миср аканинг қулқолари остида бир қўшиқ жаранглаб эшитилгандай бўлди. Бу қўшиқ-ни у йўра акага даласидан қайтаётган йилгиде қизлар ял-ласиде эшитган эди:

Тер тўкиб биз кундуз ва-ту-нлар.

Тошмоқдан ундирдик оплоқ-олтинлар.

Бутун шод айтаимиз ялла-қўшиқлар.

Чехраси равшанлар — боқий-гулгуналар.

Чехраси равшанлар — боқий-гулгуналар.

Усмон ЖОНГІТОВ.

Ўрта Чирчиқ, Охунбобоев номида колхоз.



Мана бу суратларни фотомухбиримиз В. Салов олган. Чапдаги суратда: механизатор Мели Мамажонов. Ўртада: агрегатта минерал ўғитлар солиш пайти. Ўғида: бригадир йўра ака Турахонов ва колхознинг бош механиги Рўзиматов ўртоқлар ишлов берилаётган пайкални кўздан кечирмоқдалар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 3-БЕТ, 13 ИЮНЬ 1964 ЙИЛ.

